УДК: 9(575.1)

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИДАГИ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИК МОҲИЯТИ (1940–1980 йиллар)

Д.Т. Собирова

Хотин-қизларнинг фаолияти тоталитар тузум томонидан махсус қолипга солинганлиги, уларга нисбатан ўта мафкуралаштирилган сиёсат олиб борилганлиги, лекин шунга қарамай аёллар ўзларининг инсонпарварлигини, миллий қадриятларини сақлаб қолгани ҳақидаги маълумотлар мақолада ўз ифодасини топган. Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин-қизлар орасида олиб борган сиёсатининг ижобий ва салбий оқибатлари манбалар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: *тоталитар режим, мафкура, коммунистик партия, миллат, сиёсат, шахс, атеизм, тарғибот, инсонпарварлик, ватанпарварлик.*

В статье отражена деятельность девушек и женщин, которые подгонялись в специальную рамку со стороны тоталитарной системы, а также по отношению к ним применялась идеологизированная политика, но тем не менее, женщины, сохранили человечность и национальные ценности. На основе научных источников выявлены положительные и отрицательные последствия политики советского правительства и коммунистической партии в отношении женщин.

Ключевые слова: *тоталитарный режим, идеология, коммунистическая партия, национальность, политика, гражданство, атеизм, агитация, патриотизм, государственный патриотизм*

Совет тоталитар режими даврида коммунистик партия хотин-қизларга нисбатан муносабатда ўз мақсад-манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат юритди, шунинг учун ҳам бу масалани мафкуравий тазйиқ остида ҳал этишга ҳаракат қилиниши оғир оқибатларга олиб келди. Яъни совет ҳокимияти ва коммунистик партия ўз олдига “аёлларнинг бутунлай янги авлодини, уларни фақат оилани ўйлайдиган шахслар эмас, балки кўпроқ жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган шахслар қилиб тарбиялашни асосий вазифа қилиб қўйган эди” [1. Б. 375]. Шунинг учун хотин-қизларни ҳар соҳада эркаклар билан “тенгҳуқуқлилигини таъминлаш”нинг бутун бир тизими ишлаб чиқилдики, унинг асосини хотин-қизлар фаолиятига таъсир этишнинг мафкуравий ва ишлаб чиқариш омиллари ташкил этди.

Совет ҳокимияти аёлларга таълим бериш уларни озод қилишнинг муҳим механизмларидан бири деб қараган. Шунинг учун совет ҳукуматининг Туркистондаги хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга тортишга доир дастлабки ва муҳим тадбирларидан бири уларни таълимга жалб этиш ва саводли қилиш бўлиб, бунга эркаклар ва аёллар тенгҳуқуқлилигига эришишининг зарурий шарти сифатида қаралди. Натижада дастлабки махсус хотин-қизлар мактаблари ташкил этилди. Биринчи хотин-қизлар мактаби Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида Башорат Жалилова томонидан 1917 йилнинг декабрида ташкил этилган эди. Унда

42 нафар хотин-қизлар таҳсил олган. 1918 йилда Тошкентда 4 та хотин-қизлар мактаблари фаолият кўрсата бошлаган. Тоталитар режим мамлакатда ўз тарафдорлари сонини ва марказнинг итоаткор хизматкорларини кўпайтириш сингари сиёсий мақсадлардан келиб чиқиб, хотин-қизлардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш, қолаверса, уларни ўз сиёсатини сўзсиз бажарувчи итоаткор қатламга айлантиришдек ғаразли мақсадлар яширинган режалар асосида ниқобланган мустамлакачилик сиёсатни “айёрона” тадбирлар орқали амалга оширишга интилди [2. Б. 455].

1919–1920 йиллардан бошлаб хотин-қизлар институтлари, ўрта техник ўқув юртлари ташкил этилиб, уларда маҳаллий миллатга мансуб қизлар ҳам таълим олган. Бироқ улар таълим олувчиларнинг 7–8 фоизини ташкил этар эди, холос. Айниқса, қишлоқларда қизларнинг ўқишга қатнаши қийин масала бўлиб, аҳолининг янги мактаблар борасидаги тушунчалари ҳали шаклланмаган эди [3. Б. 31].

Хотин-қизларнинг саводсизлигини тугатиш курслари фаолияти натижасида 1921–1922 йилларда совет муассасалари хизматчилари орасида дастлабки ўзбек аёллари пайдо бўлди. Ўзбек тилида биринчи хотин-қизлар журнали – “Янги йўл” чоп этила бошланди. Бу нашр ўзбек хотин-қизлар мактаблари учун муҳим қўлланмага айланди ва хотин-қизларни бирлаштириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда жиддий роль ўйнади [1. Б. 323].

Тоталитар тузум ва партиянинг хотин-қизлар орасида олиб борган сиёсати қарама-қарши характерга эга бўлиб, ижобий ва салбий аҳамият касб этганлиги аниқланган. Ижобий томони шундаки, ҳақиқатдан ҳам, аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги амалда қонун орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Бу жараён ўз навбатида хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлаш, уларни яратувчанлик, жамоатчилик ишларига жалб этишда муайян ютуқларга эришишга сабаб бўлган. Масаланинг салбий томони эса советлар томонидан олиб борилган ўзбек хотин-қизларининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантирмасликка қаратилган сиёсат туфайли маҳаллий миллат вакилаларида миллий ўзликни англаш ва мустақиллик учун курашишга зарур бўлган туғма эҳтиёжларнинг уйғонишига йўл қўйилмаган [3. Б. 41].

Ўзбекистон КП(б) МҚ “Ҳужум” компаниясини амалга ошириш учун 1926 йилнинг 18 декабрида ташкил қилинган ҳукумат комиссияси билан аниқ тадбирлар ишлаб чиқди. Фарғона, Тошкент ва Самарқанд областларида партиянинг барча маҳаллий аъзоларини “маиший жиҳатдан қайта тарбиялаш” ва уларнинг аёлларини жамоат ишларига жалб қилиш, шунингдек, “партиянинг бутун кучини хотин-қизлар орасидаги маданий, иқтисодий ва ҳуқуқий ишга қаратиш” муҳим вазифа қилиб белгиланди [1. Б. 324]. Ушбу вазифани амалга ошириш учун ҳукумат комиссиясининг таклифи асосида барча учта областларида ўзбек аёлларининг конференциялари бўлиб ўтди. Ташвиқот ва тушунтириш жараёнидаги мажлисларда, митингларда, конференцияларда ҳаммаси бўлиб 100 мингдан ортиқ аёллар иштирок этган.

“Ҳужум” компаниясини амалга ошириш юзасидан ҳукумат қарори 1926 йил декабрда қабул қилиниб, компания 1927 йил 8 март куни амалга оширилган эди. Шу куни 100 минглаб хотин-қизлар паранжи ташлаган. Хотин-қизларни “озодликка чиқариш” баҳонасида 1927 йилда республикада “Ҳужум” ҳаракати бошланди. Ҳужум ҳаракати ва унинг салбий оқибатлари ҳақида ёзувчи Чингиз Айтматов шундай деган эди: “Афсуски, давлат томонидан ўтказилган “Ҳужум” компанияси ўша даврнинг оғир хатоларидан бири эди, дейиш камлик қилади. Бу инсониятга қарши қаратилган жиноят эди. Устига-устак, илоҳий олам қурилмасига қарши йўналтирилган жиноят эди. Худонинг барқарорлигини инкор этган муртадлар худонинг вазифасини ўз зиммаларига оладилар ва “янги одам яратамиз” деб, даҳшатли ўйин бошладилар” [4. Б. 111]. Большевиклар Туркистон ижтимоий ҳаётидаги барча қолоқликларнинг

сабабини дин билан боғлашга ҳаракат қилишган. Ислом дини хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда қатнашишини ман этмаса-да, уни тан олмаслик сиёсати олиб борилган. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳоли орасида совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятини кучайтирган. Шунинг учун ҳам "...аёллар ўртасида динга қарши ташвиқотни кескин йўлга қўйиш, уларни ижтимоий меҳнатдан четлаштириб юбориши" мумкинлиги туфайли советлар томонидан "кўпхотинлик ва қалин олиниши диннинг айби" қилиб кўрсатилган [5. Б. 61].

1940 йил 15 майда 1925 йилда ташкил топган "Курашчан худосизлар Иттифоқи"нинг 15 йиллигини барча жойларда тантанали равишда нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилинганидан сўнг атеизм бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилиб, маърузачилар моддий рағбатлантирилган. Бироқ 1942 йилда совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг уруш йилларидаги ижтимоий ҳамкорликни кўзлаб динга қарши курашни вақтинча тўхтатиши лозим бўлганидан келиб чиқиб, "Курашчан худосизлар Иттифоқи"нинг Марказий Кенгаши тугатилган. Аммо урушдан кейинги йиллардан бошлабоқ атеистик тарғибот ишлари яна давом эттирилган [5. Б. 63].

Совет ҳокимияти йилларида хотин-қизларнинг фаолияти махсус "қолип"га солинган [5. Б. 11], уларга нисбатан ўта мафкуралаштирилган сиёсат олиб борилган бўлса-да, ўзбек хотин-қизлари ўзларининг инсонпарварлигини, миллий қадриятларини сақлаб, доимо уларга содиқ қола олган.

Айниқса, фашизмга қарши уруш йилларида ўзбек хотин-қизлари ватанпарварлик, инсонпарварлик намуналарини кўрсатиб, уларни амалда намоён қилган. XX асрнинг 40-йиллари биринчи ярмида жаҳон халқларининг фашизм ва милитаризмга қарши, эрк ва озодлик учун олиб борган кураши билан изоҳланади. Бу оғир дамларда нафақат эркакларнинг, балки биринчи галда хотин-қизларнинг ҳам метин иродалари катта синовдан ўтган. Ўзбек хотин-қизлари Ватан сўзини қанчалик теран ҳис этишларини ўша оғир йилларда янада ёрқинроқ намоён этганлар. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ибораси билан айтганда: "минглаб уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларини – азму шижоатли, довюрак ота-боболаримиз, сабр-матонатли оналаримиз, момоларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз" [6].

1941 йилдан Иккинчи жаҳон уруши совет давлати ҳудудига кўчган даврдан то 1945 йил 2 сентябрда Япон милитаризми таслим бўлиб уруш тугагунга қадар уруш жанггоҳларида 1,5 миллиондан ортиқ ватандошимиз жангга кирган бўлса, республикада ўша пайтда қарийб тўрт миллион аҳоли истиқомат қилар эди. Беш юз мингдан зиёд аҳоли урушда ҳалок бўлган бўлса, тахминан 130 минг нафар киши бедарак кетган. Булар ўзбек халқи учун катта йўқотиш эди. Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида Ўзбекистондан 4555 нафар хотин-қизлар уруш йилларида фронтда эркаклар билан бир сафда туриб, ўз матонат ва жасоратининг мисли кўрилмаган намуналарини намойиш этганлар [7. Б. 347].

1941 йил 26 июнда тошкентлик 1551, 28 июнда фарғоналик 423, хоразмлик 147, андижонлик 798, наманганлик 267 нафар хотин-қизлар қизил армия сафига қабул қилишларини, фронтда жанг қилиш истагини билдириб ариза берган [8. Б. 12]. 1942 йил баҳорда Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатиб, фронтга отланган 20 нафар ёш врачлар орасида Нури Шокирова, Пўлатой Қодирова, Собира Мажидова сингари ўзбек қизлари ҳам бор эди. Урушнинг дастлабки йилларида 1-ўзбек делегацияси тушган ва совға-саломлар ортилган поездни бошқариб борган машинист Башорат Мирбобоева, Зебо Ғаниева, Муқаддам Ашрапова, Азиза Қаландарова, Роза Иброҳимова ва Мавжуда Саматовалар ҳақиқий қаҳрамонлар қаторидан ўрин олишган [8. Б. 12]. Бироқ совет мустамлакачилиги даврида ўзбек аёлларининг табиатида мавжуд бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғулари сунъий равишда Иттифоқ деб аталган ҳудуд

билан ўлчанган. Бу эса уларда миллий ўзликни англаш ва миллий мустақиллик учун курашга қаратилган зарур эҳтиёжларнинг шаклланишига имкон бермаган. Совет давлати республика ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг фашизмга қарши сафарбар қилинишида аёллар ролини ўстиришда хотин-қизлар бўлимлари фаолиятидан ҳам кенг фойдаланилган.

Тарихдан маълумки, совет тузуми даврида хотин-қизлар бўлимлари бир неча бор тугатилиб, “вазият талаб этган вақтда” яна қайтадан ташкил этилиб борилган.

Аслида хотин-қизлар бўлими фаолиятининг тугатилишига сабаб совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг хотин-қизларни “иқтисодий озодликка чиқариш” шиори остида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, улардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш билан жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучига айлантириб, ўз мақсадига эришиши ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб борган аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиб, мустабид тузум томонидан ўзларига нисбатан олиб борилаётган сиёсатдан норозиликнинг кучайиб боришида эди [9. Б. 43].

Шунинг учун ҳам коммунистик партиянинг XVII съезди Уставига мувофиқ партия қўмиталари қошида ихтисослашган ишлаб чиқариш бўлимлари ташкил этилган бўлса-да, съезд мазкур бўлим таркибида хотин-қизлар ўртасида иш олиб борувчи сектор ёки бўлим тузиш масаласини кўриб чиқмаган [8. Б. 59].

1943 йил 18 май ойида ЎзКП(б) МҚ бюроси қарори асосида МҚ аппаратида хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича бўлим ва бўлим мудири, вилоят, шаҳар ва район партия қўмиталарида ҳам хотин-қизлар бўлими ва секретар (котиба)лари лавозими жорий этилган [8. Б. 60].

Бу бўлимлар турли ташкилотлар, фондлар орқали, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларига таяниб оммани бошқарган. Улар қонунан мустақил бўлсалар-да, аслида партиянинг кўрсатмаси асосида “партия даврimизнинг ақлидроки, шон-шарафи ва виждони” байроғи остида, ўзаро ҳамжиҳатликда унинг сиёсатини амалга оширган [10. Б. 46].

Хотин-қизлар бўлимлари ташаббуси билан аёлларнинг уруш шароитидаги вазифаларига бағишланган хотин-қизлар кенгашлари колхозларда, конференциялар эса туманларда ўтказилган. ВКП(б) МҚнинг 1943 йил 22 январдаги қарорига мувофиқ 1943 йилнинг май ойидан бошлаб республика партия қўмиталари қошида хотин-қизлар советлари ташкил қилинган бўлиб, уларга вилоят партия қўмиталарида обком секретарлари (вилоят котиблари)нинг ўринбосарлари, шаҳар ва район партия қўмиталарида хотин-қизлар ишлари бўйича секретарлар раҳбарлик қилган. Бутун республикада бу соҳага масъул сифатида вилоят партия қўмиталарида 10 та секретарь ёрдамчиси, шаҳар партия қўмиталарида 13, шаҳар таркибидаги район партия қўмиталарида 11, қишлоқ район партия қўмиталарида 133 секретарь тайинланган эди [8. Б. 60]. Янги ташкил топган бу ташкилотлар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган эди:

- хотин-қизлар ўртасида партиявий-сиёсий ва оммавий-тарбиявий ишларни кучайтириш;
- хотин-қизларнинг фронт ва фронт орқасини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган меҳнатларини уюштириш;
- жангчиларнинг оилаларига зарур бўлган ёрдамни ташкил этишга кўмаклашиш [11. Б. 15].

Хотин-қизлар бўлимларининг фаолияти билан Тошкент шаҳрида 1943 йилнинг июнидан 1944 йилнинг май ойига қадар ишлаб чиқариш корхоналарига 15270 нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилган, улардан 700 нафари ўқишга юборилган [10. Б. 51]. 1944 йил охирига келиб, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида 35 минг нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилиб, улардан 26 минг нафари саноат корхоналарига жалб қилинган [10. Б. 15].

II жаҳон уруши йилларида хотин-қизлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини таъмин-

лашнинг асосий омили ҳисобланган боис ҳам уларнинг “фавқулодда уруш шароитида инсон, ишчи-хизматчи, раҳбар сифатидаги обрўси қарор топган” [8. Б. 90].

1941 йил 9 сентябрда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг уруш даври шароитидаги иши тўғрисидаги қарорида, ЎзКП(б) МҚнинг 1941 йил декабрь ойидаги Пленумида, 1942 йил 21 апрелдаги Андижон вилояти партия фаоллари йиғилишида ҳарбий вазиятда партиявий-сиёсий ишларни ташкил этиш масаласи муҳокама қилиниб, кўплаб хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилина бошлади [10. Б. 15]. Хотин-қизлар партия ва бошқа совет ташкилотларининг масъулиятли лавозимларини эгаллай бошладилар.

Жумладан, Наманган вилояти Олмос қишлоғидан Мастурахон Исматова Чуст район ижроия қўмитасининг раиси [13. Б. 6 0,] Қорақалпоғистон АССР Шоббоз туманида эса 52 нафар аёл колхоз раиси ўринбосарлари лавозимида ишлаган [14. Б. 113]. Уруш йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларнинг жалб қилиниши оқибатида уларнинг раҳбар ва инсон сифатидаги обрўси қарор топди [8. Б. 90.]. Урушдан олдинги йилларда эса раҳбарлик лавозимида банд хотин-қизлар салмоғи республика бўйича атиги 280 нафар аёлни, яъни жами раҳбар ходимлар таркибининг 1,2 фоизини ташкил этар эди.

Ўзбек аёлларининг ўз вазифасига нисбатан масъулият билан ёндошуви туфайли уруш йилларида халқ хўжалигида маълум ютуқларга эришилди. Шу билан бирга, республиканинг барча вилоятларида агитатор хотин-қизлар томонидан фашизм устидан ғалабага руҳлантирувчи, халқ хўжалигини ривожлантиришда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришга қаратилган маърузалар мунтазам ўқиб борилган, давра суҳбатлари ташкил этилган. Бундай тадбирлар қизил чойхона ва бошқа маданий-оқартув муассасаларида олиб борилган. Жумладан, уруш йилларида Тошкент вилоятида 1183, Самарқанд вилоятида 530 ,0 Андижон вилоятида 1750, Фарғона вилоятида 1455, Наманган вилоятида 2500 нафар хотин-қизлар оммавий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун жалб этилган [5. Б. 67].

Урушдан кейинги йилларда ҳам хотин-қизлар ўзларининг раҳбарлик соҳасидаги фаолиятини давом эттирган. Советларнинг мустамлакачилик сиёсати натижасида Ўзбекистоннинг мавжуд имкониятлари, миллий манфаатлари ҳисобга олинмаган. Ишлаб чиқилган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар марказ манфаатлари йўлига хизмат қилган.

Уруш йилларида тинимсиз меҳнат қилган хотин-қизлар урушдан кейинги тикланиш йилларида ҳам тараққиётни таъминлаш учун жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этиб, ўзларининг юксак меҳнат намуналарини кўрсатиб, аввалгидай даражада меҳнат қилишга мажбур бўлганлар. Чунки совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг мақсад-манфаатларини амалга оширишда хотин-қизларнинг арзон ишчи кучи сифатидаги меҳнати талаб қилинар эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон аёллари иқтисодий ҳуқуқлардан сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига нисбатан кўпроқ фойдаланганлар.

Ўз КП МҚ нинг қарори ҳамда Ўз ССР Енгил саноат вазирлигининг 1953 йил 14 апрелдаги 192-а сонли буйруғига кўра, маҳаллий миллат хотин-қизларини раҳбарлик лавозимларига кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилган [10. Б. 87]. Шу мақсадда Андижон шаҳридаги тикувчилик фабрикаси ишчиси бўлган маҳаллий миллатга мансуб 3 нафар аёл Тошкентга, 3 нафар аёл Москва ва Ленинградга малака ошириш учун юборилган [8. Б. 96].

Бироқ хотин-қизлар миқдорий жиҳатдан советлар ва партиявий лавозимларда, съезд ва анжуманларда депутат ёки делегат сифатида иштирок этган бўлсаларда, уларда етарли салоҳиятнинг йўқлиги боис, беписандлик билан таърифланганидек “тил-забони йўқ, қиёфасиз кўпчиликни” [15. Б. 58] ташкил этган ҳолда амалдаги қонунларга янгиликлар, ўзгартиришлар киритишга қодир эмас эдилар. Чунки улар етарли са-

лоҳиятга эга бўлмаган совет ҳокимиятининг “гегемон синфи бўлган ишчи ва деҳқон” вакилалари эдилар. Аёлларнинг мартабали йиғилишлардаги иштироки уларнинг эркаклар билан амалдаги “тенг”лигини исботлаш, ижтимоий келиб чиқиши ҳақида мажлис ҳисоботига киритиш учун зарур эди, холос. Шунингдек, марказ томонидан махфий равишда сайланадиган депутатлар таркибининг қанчаси аёл-ишчи, аёл-деҳқон, аёл-хизматчи бўлиши лозимлиги аввалдан белгилаб қўйилар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги миқдорий жиҳатдан ўсиб борганлигини қуйидаги манбалардан билишимиз мумкин:

Биринчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида – 92 нафар аёл;

Иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида – 106 нафар аёл;

Учинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида – 124 нафар аёл;

Тўртинчи ва бешинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида – 129 нафар аёл;

Олтинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида – 139 нафар аёл;

Еттинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида – 141 нафар аёл бўлган. Ўзбекистон депутатларининг маҳаллий советларига 37 минг 274 нафар хотин-қиз депутатликка сайланган [7. Б. 28]. Агар биринчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибидаги хотин-қизлар 23,3 фоизни ташкил этган бўлса, еттинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида аёллар 30,79 фоизни ташкил этган [8. Б. 96].

1955 йилда 15 мингдан ортиқ хотин-қизлар маҳаллий советларга депутат, 128 нафар хотин-қизлар Ўз ССР Олий Совети, 16 нафар аёл СССР Олий Совети депутати этиб сайланган бўлса [12. Б. 54], 1971 йил 13 июнда маҳаллий советларга бўлган сайловлар жараёнида депутатларнинг 38,5 минг нафарини аёллар ташкил этган. Шундан собиқ Иттифоқ Олий Советига Ўзбекистондан 22 нафар хотин-қизлар сайланган [5. Б. 78]. 1975 йилда республиканинг 27 нафар вакили собиқ Иттифоқ Олий Советининг депутати, 151 нафар хотин-қизлар республика Олий Советининг депутати бўлиб, улар депутатларнинг 33 фоизини ташкил этган. Республика маҳаллий советлари депутатларининг эса 44 фоизини хотин-қиз депутатлар ташкил этган [7. Б. 52].

1980 йилларнинг охирларида хотин-қизларнинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги, давлатни бошқаришдаги иштироки марказ томонидан олиб борилган аёллар “партиянинг актив ёрдамчилари бўлишлари лозим” [16. Б. 8]лигига қаратилган сиёсати натижасида партия сафларида хотин-қизлар 178 минг нафарни, яъни 28 фоизни, партия ташкилотларида котиба лавозимида фаолият олиб бораётган аёллар 32 фоизни ташкил этган; 27 нафар хотин-қизлар собиқ Иттифоқ Олий Совети депутати бўлиб, 38 фоизни, 183 нафар аёл республика Олий Советининг депутати бўлиб, 36 фоизни, 69 нафар аёл Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутатлари этиб сайланган бўлиб, 37 фоизни ташкил этган. Республика маҳаллий советлари депутатларидан 42 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлган [13. Б. 7].

Собиқ иттифоқ раҳбарияти хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсганлигини 1958 йил 7–8 март кунлари, 1961 йил 16–17 май кунлари ҳамда 1987 йил 26 апрелда бўлиб ўтган республика хотин-қизларининг съездлари орқали кўрсатишга интилган [13. Б. 195]. Шу билан бирга депутат аёллар таркибида олий маълумотга эга бўлган хотин-қизлар биринчи съездда 327 нафарни ташкил этган бўлса, иккинчи съездда 512 нафарни ташкил этган [13. Б. 195].

Социалистик қурилиш амалиётига биноан, совет жамияти ҳаётий фаолияти барча соҳаларининг ривожи зиёлиларнинг алоҳида социал қатлам сифатидаги ижтимоий ролининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам съезд депутатлари таркибида зиёли аёллар миқдори юқори бўлишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўрганилаётган даврда Республика касаба уюшмаларининг 11 та пленуми, хотин-қизлар иш ва турмуш шароитини яхшилаш бўйича

1980 йил 27 июнда (Республика Марказий ижроия қўмитаси қошида ташкил этилган шундай комиссия 1932 йил 27 майда тугатилиб, советлар ижроия қўмиталари қошида хотин-қизлар секторига айлантирилган эди) тузилган комиссия хотин-қизларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида анчагина ишларни амалга оширган. Жумладан, аёллар меҳнатини енгиллаштириш учун саноат корхоналарининг юк ташувчи машиналар билан таъминланишини назорат қилган; аёллар учун 10 фоизга камайтирилган иш куни, узайтирилган таътил кунларини жорий қилган. Аммо комиссия фаолияти оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган барча хотин-қизларнинг талабини қондириб, уларни ижтимоий муҳофаза қила олмаган. Бунинг сабаби етарли имкониятларнинг йўқлигида эди. Уларда хотин-қизлар муаммолари ва уларнинг ечимлари юзасидан бironта ҳам таклиф ёки фикр-мулоҳазалар ўртага ташланмаган эди.

“Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилиниб, унда “аёлларнинг оилавий аҳволидан қатъи назар, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ёки бошқа ҳар қандай соҳадаги инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари тан олинишини, фойдаланилиши ёки амалга оширилишини сусайтиришга ёхуд уларни йўққа чиқаришга қаратилган жинсий белги бўйича ҳар қандай тафовут, истисно ёки чеклаш” [17] аёлларни камситиш деб белгиланади. Жаҳон миқёсида миллат ва жамиятнинг келажаги аёл фаолиятининг иштироки билан тўлиқ эканлиги, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида уларнинг фаол иштироки таъминланган тақдирда жамият ўз ривожида мукаммал йўналишга эга бўлиши мумкин эканлиги эътироф этилди.

Бироқ Ўрта Осиё хотин-қизларининг ўзига хос ижтимоий муаммолари, уларнинг оғир аҳволи ҳақидаги масалалар эса асримизнинг 80-йиллари охирига келиб ўртага ташлана бошлади. Чунки 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган “қайта қуриш сиёсати”, “янгича фикрлаш”, демократия ҳамда ошкоралик жараёнининг ўсиб бориши, ҳукмрон мафкура тазйиқининг бўшашуви натижасида миллий ўзликни англашнинг ўсишига, тарихий ҳақиқатнинг тикланишига ижтимоий зарурат туғилди.

“Қайта қуриш”нинг дастлабки йилларида ҳам аввалгидек хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ролига ижобий баҳо берилди [18. Б. 14]. Лекин “Ҳужум”нинг 60 йиллигига ва хотин-қизлар ҳаракати тарихи-га бағишлаб чоп этилган Р.Х.Аминова [18. Б. 24], Р.Я.Ражапова [19], Р.А.Убайдул-лаева [20]ларнинг рисолаларида илк маро-таба хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш муаммолари, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, маиший турмуш тарзига эътиборни кучайтириш каби масалалар ўртага ташланди. Улар хотин-қизларнинг кўпроқ оғир саноатда қийин шароитда меҳнат қилаётгани, бу эса аёл организмининг ўзига хос хусусиятларига мос келмаётганлиги, аёллар меҳнатидан унумли фойдаланиш муаммоси ишлаб чиқариш масалалари билан чекланмаслиги, малакали фаолиятни оила вазифалари билан бирга олиб бориш осон эмаслиги, хотин-қизларнинг касаначилик меҳнатидан, кўп болали аёлларнинг тўла бўлмаган иш кунидан фойдаланиш имкониятлари каби масалалар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

1985–1990 йиллар, яъни собиқ Иттифоқда “қайта қуриш” сиёсати амалга оширилаётган даврда хотин-қизлар ҳаракатини баҳолашга янгича услубий ёндашув ишлаб чиқилиши зарурлиги асослаб берилган бўлсада, лекин бу масаланинг тўлиқ ҳал қилинишига муваффақ бўлинмади. Чунки коммунистик мафкуранинг давом этиб келаётган ҳукмронлиги, мустабид тузумнинг сақланиб турганлиги бунга имкон бермади [8. Б. 11].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон хотин–қизлари совет даврида зиддиятли ва мураккаб, лекин мазмунли ҳамда шарафли йўлни босиб ўтдилар. Улар жамият ҳаётининг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш каби барча соҳаларида фаол иштирок этиб, республиканинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. / Китобда: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. / Маъсул муҳарир М.Жўрев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 687 б.

2. Компартия Узбекистана в борьбе за решение женского вопроса в период строительства социализма (1917–1937 гг.). Сб.док.и матер. – Тошкент: Узбекистан, 1977. – 676 с.

3. *Жўраева Н.* Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20–30-йиллари мисолида). Тарих фан. номз. дисс... автореферати. – Тошкент, 2004. – 28 б.

4. *Айтматов Ч.* Қояда қолган кўз ёшлар // Жаҳон адабиёти, 1997. – № 2. – Б. 67–93.

5. *Абдуллаева Я.А.* Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср). – Тошкент: Шарқ, 1997. – 237 б.

6. *Мирзиёев Ш.* Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи [Интернет манба]. URL: https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-buyu-09-05-2020 (2020 йил 8 май) (Мурожаат этилган сана: 12.08.21)

7. *Исмоилов Н.* Фашизмга қарши уруш даврида қашқадарёликлар. (Фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси 1941–1945 йй.) / Илмий назарий конференция материаллари. – Тошкент: Фан, 1996. – 453 б.

8. *Юлдашева М.* Женщины Узбекистана фронту. – Тошкент: Узбекистан,1982. – 215 б.

9. *Мадраҳимова Р.* Ўзбекистон хотин-қизларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасоратлари. – Тошкент: Фан. 1981. – 321 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), 837-фонд, 32-рўйхат, 510-иш.

11. *Бикжанова М.* Семья в колхозах Узбекистана. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1955. – 278 б.

12. *Чеботарёва В.Г.* Ўзбекистон хотин-қизлари - янги жамиятнинг актив қурувчилари. –Тошкент: Билим, 1987. – 87 б.

13. *Аминова Р.Х.* Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. – Тошкент: Фан, 1975. – 212 б.

14. *Султанова Т.* Политико-массовая работа среди тружениц полей Узбекистана в годы войны // Общественные науки в Узбекистане, 1975. – № 5. – С. 112–178.

15. *Алимова Д.А.* Женский вопрос в Средней Азии... – Тошкент: Фан, 1991. – 342 б.

16. *Аминова Р.Х.* “Ҳужум” Ўзбекистон хотин-қизлари тақдирида. – Тошкент: Билим, 1987. – 123 б.

17. Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция.[Интернет манба]. URL: http:// lex.ux (Мурожаат этилган сана: 02.03.2019)

18. *Аминова Р.Х.* Славные дочери Родины // Общественные науки в Узбекистане, 1986. – № 3. – С. 13–19.

19. *Ражапова Р.Ё.* Исторический опыт «Худжума». – Ташкент: Знание, 1987. – 22 с.

20. *Убайдуллаева Р.А.* Вклад женщин в ускорение социально-экономического развития. – Ташкент: Знание, 1987. – 19 с.

SOVIET GOVERNMENT POLICY ON WOMEN IN UZBEKISTAN AND ITS COLONIAL SIGNIFICANCE (1940-1980)

D.T. Sobirova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 1 (61). 33–42.

[1]Andijan State Universiry, Andijan, 170100, str. Universitet, 129 (Uzbekistan).E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *totalitarian regime, ideology, communist party, nation, politics, personality, atheism, propaganda, humanity, patriotism.*

The article reflected the activities of girls and also women who were fitted into a special frame by the totalitarian system, as well as an ideological policy was applied to them, but, nevertheless, women retained their humanity and national values. On the basis of scientific sources, the positive and negative consequences of the policy of the Soviet government and the Communist Party towards women are revealed.In fact, the reason for the abolition of the women's section was the Soviet government's and the Communist Party's involvement of women in social production under the slogan of "economic liberation" by using their labor as cheap labor to become the main productive force in society.

Therefore, although special production units were established under the party committees in accordance with the Charter of the XVII Congress of the Communist Party, the Congress did not consider the establishment of a sector or a department for women among them.On May 18, 1943, on the basis of the decision of the Bureau of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan (b), the position of the head of the department and women's affairs in the Central Committee, women's department and secretaries in regional, city and district party committees was introduced.

These departments managed the masses through various organizations, foundations, trade unions, and other public organizations. Although these organizations were legally independent, in fact, under the direction of the party, under the banner of "the wisdom, honor and conscience of our party era", they pursued its policy.

At the initiative of women's departments, women's councils devoted to the role of women in wartime were held in the kolkhozes, and conferences were held in the districts. In accordance with the decision of the Central Committee of the CPSU (b) of January 22, 1943, women's councils were established under the republican party committees in May 1943, which included deputy secretaries of regional committees (regional secretaries), women's affairs in city and district party committees headed by secretaries. Across the country, 10 assistant secretaries of regional party committees, 13 secretaries of city party committees, 11 secretaries of district party committees and 133 secretaries of rural district party committees were appointed in charge of this sphere throughout the country. Women who worked tirelessly during the war years were forced to work at the same level as before, actively participating in all spheres of public life, showing their high labor standards, to ensure progress even in the post-war recovery years. Because the realization of the goals and interests of the Soviet government and the Communist Party required the labor of women as cheap labor as well. During the period under study, the role of women in the most popular organization of Soviet society, the trade unions, was also significant. Therefore, Uzbek women enjoyed economic rights more than political and civil rights.

References:

1. Dzhuraev, M. (Compiled by) (2000) *O'zbekistonning yangi tarixi*. Ikkinchi kitob. [New history of Uzbekistan]. Book 2. Tashkent: Shark.

2. *Kompartiya Uzbekistana v bor'be za reshenie zhenskogo voprosa v period stroitel'stva socializma (1917-1937 gg.)* (1977) [The Communist Party of Uzbekistan in the struggle for the solution of women's issues in the period of socialist construction (1917-1937)]. Collection of documents and materials. Tashkent: Uzbekistan.

3. Dzhuraev, N. (2004) O'*zbekiston ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotida xotin-qizlarning o'rni (XX asrning 20-30-yillari misolida)*.[The role of women in the socio-economic and cultural life of Uzbekistan (on the example of 20-30 years of the XX century)]. Abstract of Dissertation for the Candidate of Historical Sciences. Tashkent.

4. Aitmatov, Ch. (1997) Qoyada qolgan ko'z yoshlar [Tears left on the rock]. *World Literature*. No 2. Pp. 67-93.

5. Abdullaeva, Ya.A. (1997) *Qoraqalpog'iston xotin-qizlari: Kecha va bugun. (XIX asrning oxiri va XX asr)* [Women of Karakalpakstan: Yesterday and today. (the end of the XIX century and the XX century].Tashkent: Shark.

6. Mirziyoev, Sh. (2020) Buyuk g'alabaning 75 yilligi hamda xotira va qadrlash kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi [Speech at the solemn ceremony dedicated to the 75th anniversary of the Great Victory and the Day of Remembrance and Honor]. [Online]. URL:https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-buyu-09-05-2020 May 8 (Date of access: 12.08.21)

7. Исмоилов, Н. (1996) Fashizmga qarshi urush davrida qashqadaryoliklar. Fashizm ustidan qozonilgan g‘alabaga O‘zbekistonning tarixiy hissasi 1941-1945 yy. [The people of Kashkadarya during the war against fascism.The historical contribution of Uzbekistan to the victory over fascism 1941-1945]. Ilmiy nazariy konferensiya materiallari [Proceedings of the scientific-theoretical conference].Ташкент: Fan.

8. Yuldasheva, M.(1982) *Jenshchiny Uzbekistana frontu* [Women of Uzbekistan to the front]. Tashkent: Uzbekistan.

9. Madrahimova, R.(1981) *O‘zbekiston xotin-qizlarining Ulug‘ Vatan urushi yillaridagi mehnat va harbiy jasoratlari* [Labor and military courage of women of Uzbekistan during the Great Patriotic War]. Tashkenr: Fan.

10.O‘zbekiston Respublikasi Markaziy davlat arxivi (O‘zR MDA) [The central archive of the Republic of Uzbekistan.(CSA of the RU)]. Fund –837, List-32, Folding Volume -510.

11. Bikjanova, M. (1955) *Sem'ya v kolhozah Uzbekistana* [Family in the collective farm of Uzbekistan]. Tashkent: Izhdatel`stvo AN UzSSR.

12. Chebotaryova, V.G. (1987) *O‘zbekiston xotin-qizlari–yangi jamiyatning aktiv quruvchilari* [Women of Uzbekistan - active builders of a new society]. Tashkent: Bilim.

13. Aminova, R.X. (1975) *Oktyabr' i reshenie zhenskogo voprosa v Uzbekistane* [October and the solution of the women's issue in Uzbekistan]. Tashkent: Fan.

14. Sultanova, T.(1975) Politiko-massovaya rabota sredi truzhenic polej Uzbekistana v gody vojny [Political mass work among the toilers of the fields of Uzbekistan during the war]. *Obshchestvennye nauki v Uzbekistane.* No 5. Pp. 112-178.

15. Alimova, D.A. (1991) *Jenskij vopros v Srednej Azii...* [Women’s question in Central Asia ...]. Tashkent: Fan.

16. Aminova, R.H. (1987) *“Hujum” O‘zbekiston xotin-qizlari taqdirida* ["Attack" on the fate of women in Uzbekistan]. Ташкент: Bilim.

17. Xotin-qizlar huquqlarini kamsitishning barcha shakllariga barham berish to‘g‘risida”gi Konvensiya (1979) [Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women]. [Online]. URL: http:// lex.ux (Date of access: 02.03.2019)

18. Aminova, R.H. (1986) Slavnye docheri Rodiny [Glorious daughters of the Motherland]. *Obshchestvennye nauki v Uzbekistane*. No 3. Pp. 13-19.

19. Razhapova, R.Yo. (1987) *Istoricheskij opyt «Hudzhuma»* [The historical experience of “Khujuma”]. Tashkent: Znanie.

20. Ubajdullaeva, R.A. (1987) *Vklad zhenshchin v uskorenie social'no-ekonomicheskogo razvitiya* [Contribution of women to the acceleration of socio-economic development]. Tashkent: Znanie.

Муаллиф ҳақида маълумот:

СОБИРОВА Дилфуза Тўхтасиновна – тарих фанлари номзоди, Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти. E-mail: dilfuza sobirova@mail.ru